

Қорақалпоғистон Республикасида рақамли технологиялар соҳасида амалга оширилган ишлар бўйича

МАЪЛУМОТ

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли соҳаси ҳисобланган рақамли технологияларини янада ривожлантириш устувор вазифаларимиздан саналади.

Сўнги йилларда давлатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Худудда ёшларни IT соҳасига кенг жалб қилиш ва IT компанияларни қўллаб-қувватлаш ишларини самарали ташкил этиш учун Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

I. Қорақалпоғистон Республикасида Ялпи ички маҳсулот ҳажми (ЯИМ) ва ундаги АКТни улуши.

Ўтган 2024 йилнинг I чорак давомида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми **192,8 млрд сўм**ни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даврида **298,9 млрд. сўмга** етказилди. Ўтган йилга нисбатан **1,55 баробарга** ошди. Ўсиш суръати **120,1 фоиз**ни ташкил этган. Компьютер дастурлаш хизматлари ҳажми **30,8 млрд.сўм**ни ташкил этиб, ўсиш суръати **111,8 фоиз**.

2024 йилда худудда кўрсатилган жами хизматлардаги алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари улуши **5,4 фоиз**, жорий йилда бу кўрсаткиш **4,3 фоиз**ни ташкил этди.

II. IT-Park:

Қорақалпоғистон Республикасида рақамли технологиялар соҳасини жадал ривожлантириш, рақамли таълимни ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш, IT соҳасида мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ҳурматли Президентимиз ўтган йилнинг август ойида Қорақалпоғистон

Республикасига ташрифи давомида янгидан қурилган **17 қаватли ИТ парк филиалининг** биносига ташриф буюриб, уни фойдаланишга топширди.

Жорий йилнинг I чорагида **ИТ Парк резидентлари** сонини **7 тага** оширилиб, уларнинг умумий сони **88 тага** етказилди (**13 таси** экспортёр, **43 таси** рақамли таълим, **32 таси** маҳаллий бозорга ИТ хизматлар кўрсатмоқда).

Жорий йилда **35 та** янги Ай-Ти корхонани резидентликга жалб қилиш белгиланиб, ҳозирги кунда фақат **12 та** корхона резидентликга жалб қилинган.

Ҳозирги вақтда ИТ-Парк резиденти бўлган корхоналарда ишлаётган ходимлар сони **300 нафар**дан ортиқни ташкил этмоқда.

Резидентлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми **2024 йил I чорак якуни бўйича 2,85 млрд. сўмни** ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даврида **14,6 млрд. сўмга** етказилди. Ўтган йилга нисбатан **5,1 баробарга** ошди.

III. ИТ-Таълим:

“**Бир миллион дастурчи**” лойиҳасининг мантиқий давоми бўлган “Coursera” онлайн платформада ўқув курсларида **2024 йилда 34 минг нафардан ортиқ** ёшлар таълим олиб, сертификатларни қўлга киритган бўлса, жорий йилнинг **I чорагида 25,6 минг нафар** ёшлар платформадан рўйхатдан ўтиб, ҳозирги кунда таълим олиб келмоқда.

Шунингдек, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўтган 2024 йилда **137 нафарни** ёшлар ва **195 нафар** давлат хизматчилари халқаро профессионал ИТ-сертификатларга ўқитилди.

Жорий йилда эса **100 нафар** ёшлар (амалда **74 нафар, 74 фоиз**) ва **150 нафар** давлат хизматчиларини (амалда **67 нафар, 45 фоиз**) халқаро профессионал ИТ-сертификатларга ўқитиш режалаштирилган.

Жорий йилда Нукус шаҳри ва туман ҳокимликлари томонидан Ай-ти соҳасида **15,0 минг нафар** ёшларнинг **ўзини ўзи**

бандлигини таъминлаш белгилаб олганмиз. *(ўтган йили 7 615 нафар ёш ўзини ўзи банд қилган)*

Шундан, 2025 йил январ-апрель ойларида **5 100** нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилиб, белгиланган режа **104,4 фоизга** бажарилган. *(режа 5100 та ёш, факт 5328 та ёш).*

“Бир маҳаллада етти дастурчи” лойиҳаси доирасида 2024 йил давомида жами **3 150 нафар** *(2 741 нафар ёшлар инглиз тилига ҳамда 868 нафар ёшлар немис ва бошқа тилларга)* ёшларни чет тилларига ўқитилиб, сертификатларга эга бўлган.

Жорий йилда эса **3 256 нафар** ёшларни инглиз тилига ҳамда немис ва бошқа тилларга ўқитиш режалаштирилиб, режа **5,8 фоизга** бажарилган ҳолос. *(режа 3256 та, факт 188 та).*

“Рақамлаштириш орқали фаровонлик сари дастури” *(2025 йил 17 январдаги ПҚ-12-сон)* асосида **1-босқичда** март-апрель ойларида **1 419 нафар** ёшларни **4 та йўналишда** *(инглиз тили, веб-дизайн, электрон тижорат ва СММ)* онлайн ўқитилиб, **2-босқичда** ушбу ёшлар орасидан **226 нафар** танлаб олиниб, уларни 6 ой давомида мукаммал ўқитиб, ишга жойлаштириш чоралари кўрилади.

Ҳозирги вақтда **1-босқич бўйича 1023 нафар** ёшлар ўқитилиб, режа **72,1 фоизга** бажарилган.

Ҳурматли Президентимиз ўтган 2024 йил август ойда Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи баёнида **“Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари”** лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириш топшириғи берилган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳа доирасида Нукус шаҳридаги **80 нафар** умумтаълим мактабларнинг 7-8 синф ўқувчилари учун дарслар бошланди.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар лойиҳани қўшимча **10 туманда** *(Амударё, Тўрткул, Беруний, Эллиққаъла, Шоманай, Тахиатош, Қораўзак, Чимбой, Кегейли ва Нукус туманлари)* амалга ошириш орқали ўқувчилар сонини **1 000 нафарга** етказиш режалаштирилган. Юқорида номи келтирилган туманлар лойиҳани амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни *(компьютер техникалари ва мебель жиҳозлари)* яратиш чоралари кўрилсин

Шу билан бирга, олис ва чекка ҳудуддаги ёшларнинг замонавий ва юқори даромадли касбларни эгаллаши ва чет-тилларини ўрганишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани, “Кенес” ОФЙда **“IT-шаҳарча”** лойиҳаси ишга туширилади. *(Ишга тушириш муддати 2025 йил 1 июнь)*

Жорий йилнинг **20-апрель** санасида Тошкент шаҳрида қизлар ўртасида дастурлаш бўйича **“ICT4girls”** олимпиадаси бўлиб ўтди. Ушбу олимпиадада Нукус шаҳридаги 1-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси **Хожамуратова Малика** шарафли 1-ўрин соҳибаси бўлди ҳамда жорий йил ёзда бўлиб ўтадиган **Европа қизлар олимпиадаси (EGOI)** да қатнашиш имкониятга эга бўлди.

Ёшларни Ай-Ти соҳасига қизиқтириш ва уларни кенг жалб қилиш мақсадида ҳудудда республика миқёсида **“Техновачион Гёрлс”** *“Technovation Girls”*, **“Инфотеч”** *“InfoTeach-2025”*, **“Ай-Ти коммюнитий роадшоу”** *“IT Community Roadshow”* тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 28-30-апрель кунлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан (100 млн.сўм) ёшлар орасида **Идеатон** ва **Хакатон** танловлари (Ай-Ти парк биносида) ўтказилиши белгиланган.

IV. Рақамлаштириш:

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида **my.gov.uz** порталида **қорақалпоқ тили** синов тариқасида жорий этилди.

Шу билан бирга, туманларда (шаҳар), олий таълим муассасаларида **“my.gov.uz ҳаётини вазиятлар учун”** лойиҳаси доирасида доимий семинар-тренинглار ташкил этилиб келмоқда.

Натижада, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш улуши **2024 йил якуни** билан **47,7 фоиздан 2025 йил I чорак** якуни бўйича **57,8 фоизга** оширилди. *(Режа 65%)*

“Товушли ёрдамчи - Мухлиса” лойиҳаси - Ўзбек тилидаги нутқни ва матнларни Сунъий интелект ёрдамида қайта ишлаш ва ўзбек тилида мулоқот қиладиган ақлли ёрдамчи ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда тизимни **қорақалпоқ тилига** мослаштириш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, республикадаги вазирлик, корхона ва ташкилотларда ахборот тизимлари жорий этилмоқда. Жумладан,

- Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги **194 та** тиббиёт муассасаларида **Ягона тиббиёт ахборот тизими (DMED)** жорий этилди. Ушбу ахборот тизим комплексли тизим ҳисобланиб, ўз ичига *Ягона тиббий карта, Лаборатория, Электрон навбат, Электрон рецепт, Суғурта, Омборхона, Тиббиёт муассалари фаолиятини мониторинг қилиш* имконини берувчи модуллари мавжуд.

Бугунги кунда тизимдан самарали фойдаланиш бўйича ҳудуддаги тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмалари мунтазам равишда оширилиб борилмоқда.

Шунингдек, Тиббиёт муассасаларининг моддий техник базасини яхшилаш мақсадида 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджет ҳисобидан **11 млрд.сўм** маблағ ажратилиб, **17 тиббиёт** бирлашмасининг бирламчи тиббиёт муассасалари **1 742 та компьютер** жамланмаси ва **150 та принтер** ускунаси билан таъминланди. Бундан ташқари «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида ғолиб деб топилган тиббиёт муассасалари томонидан жами **63 та компьютер, 68 та принтер** техникалари ҳарид қилинди.

Шу билан бирга, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан **750 та моноблок** билан барча тиббиёт муассасалари таъминланди ва қўшимча бирламчи тиббиёт муассасалари учун **1263 та планшет, 45 та смарт телевизор, 63 та чек принтер** билан таъминланди.

- Ирригация тизимларида сув ресурсларидан фойдаланишнинг реал вақт режимида мониторинг қилиш ва ҳисобини юритиш бўйича ҳудудда **1009 та** “Ақлли сув” (*маҳаллий дастурчи ёшлар томонидан*) қурилмалари ўрнатилди.

- Ҳудуддаги **1039 та** Мелиоратив кузатув қудуқларида ер ости сизот сувлари сатҳи ва улар мелиорализациясининг онлайн мониторингини юритиш имконини берувчи “**дайвер**” қурилмалари ўрнатилди.

- Республикасидаги давлат улушига эга бўлган **бозорлар босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда**. Хусусан, бозор ҳудудидаги автотуроргоҳлар автоматлаштирилмоқда ҳамда сотувчиларга янада қўлайликлар яратиш мақсадида бир марталик йиғин пуллари йиғиш учун янгидан платформа яратиш ишлари олиб борилмоқда.

- Аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида Нукус шаҳридаги **5 та** йўналишда **52 дон** автобусларга валидатор қурилмалари ўрнатилиб, онлайн тўлов имкониятини берувчи **“АТТО”** электрон тўлов тизими ишга туширилди.

- Ҳудудда театрларда (*концертлар*) ўтказилиб келаётган маданий тадбирларга аҳолини қизиқтириш, маданият ва санъатга қизиқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий дастурчилар томонидан **“Culture Mobile”** иловаси ишлаб чиқилган. Ушбу илова Маданият вазирлигига қарашли **“Билет операциялари ягона электрон тизими”**га интеграция қилиш ва барча ҳудудларда жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

- Маҳаллаларда «Маҳалла еттилиги» томонидан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича автоматлаштирилган «Рақамли маҳалла» платформаси тест синов тариқасида ишга туширилди. (*“Юникон-софт” МЧЖ томонидан жорий қилинмоқда*)

V. Рақамли инфратузилма

Рақамли инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 2024 йилда **5,7 минг км**, 2025 йилнинг I чорақда **1,9 минг км оптик толали алоқа линиялари** қурилиб (*режа 3,1 минг км*), уларнинг умумий узунлиги **25,8 минг кмга** етказилди.

Ҳудуддаги барча ижтимоий соҳа объектлари (*мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари*) юқори тезликдаги Интернетга уланди.

Мобил алоқа тармоқларини кенгайтириш бўйича ўтган 2024 йилда **113 та** янги база (*жорий йилда 38 та*) станциялари ўрнатилиб, **443 та** мавжуд база станциялари модернизация (*жорий йилда 37 та*) қилинди ва ҳудуддаги аҳоли масканларининг **99,6 фоизи** мобил

алоқа, **95,8 фоизи** кенг полосали мобил интернет хизматлари билан қамраб олинган.

Интернет тармоғида кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш мақсадида ўтган йилда **96,0 минг порт** монтаж қилинди (*жорий йилда 6,6 минг порт*) ва умумий кенг полосали тармоққа уланиш портлари сони **392,9 мингга** етказилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, жорий йил якунига қадар амалга ошириладиган асосий вазифалар.

Худуддаги **20 минг** нафардан ортиқ ёшлар халқаро таълим платформалар ва IT марказларга жалб қилинган ҳолда **рақамли технологиялар** соҳасида ўқитилади.

Худудда **250 нафар** давлат хизматчилари ва ёшлар халқаро IT сертификатларга ўқитилади.

2025 йил якунига қадар экспорт ҳажмини **15 млн.долларга**, хизматлар ҳажмини **100,0 млрд. сўмга** етказиш.